

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
МИНИСТРЛИГИ  
МИРЗО УЛУГБЕК номидаги ПЕРСПЕКТИВ РАЎБАРЛАР  
МАКТАБИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ  
орденли САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

## БАДИИЙ АДАБИЁТ ВА АДАБИЙ ТИЛ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Олий ва Урта махсус  
таълим вазирлиги

Мирзо Улутбек номидаги перспектив раҳбарлар  
мактаби

Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли Самарқанд Давлат университети

Улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг  
550 йиллик туйига бағишланади.

БАДИИЙ АДАБИЁТ ВА АДАБИЙ ТИЛ  
МАСАЛАЛАРИ

Самарқанд 1991



"БАДИИЙ АДАБИЁТ ВА АДАБИЙ ТИЛ МАСАЛАЛАРИ" (СамДУ ёш филолог олимларининг илмий мақолалари мажмуи). - Самарқанд: 1991. - 48 бет.

Самарқанд Давлат университети бир гуруҳ ёш адабиётчи ва тилчи олимларининг газал мулкисининг султони, эски ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик қутлуг сапасига бағишлаб тартиб берилган ушбу илмий мақолалар мажмуига мазмунан ранг-баранг мақолалар киритилган. Кўз-кур мақолаларда улуг мутафаккир шоир Низомиддин Мир Алишер Навоийга бағишланган қасидалар, тилда қўлимчалар ёрдамида шахс номларининг ҳосил қилиниши, бадий асар тилида фразеологизмларнинг қулланиши ва улар ёрдамида асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракат, феъл-атворининг очилиши, эпистоляр жанр, ўзбек-тожик адабий алоқалари, бадий асарларда байналмилаллик ва ватанпарварлик масалалари, қаҳрамонлик балладалари ҳақидаги кузаташлар ўз ифодасини топгандир.

Масъул муҳаррир: Болтаев М.

Тақризчилар: профессор Шаронов Н. А.  
доцент Исроилов О. И.

### Ш. СИРОГИДИНОВ

#### НАВОИГА БАҒИШЛАНГАН ҚАСИДАЛАР ҲАҚИДА

Ўзининг асарлари билан жаҳон адабиётида муносиб урин эгалланган ўзбек халқининг булк фарзанди Алишер Навоий туркий ва форсий адабиёт ривожига ҳамда илм-фаннинг оқсалишига улкан ҳисса қўшган сиймодир. Бунинг асарининг иккинчи ярмида яратилиб, бизгача етиб келган манбалар бир овоздан тасдиқлайди.

Мавлукки, Алишер Навоий шарофати билан Ҳиротда йирик маданият маркази вужудга келди, туркий ва форсий назмининг гуллаб-ялғинаши баробарида адабиётшунослик, тарих, мушқашунослик фанлари ривожига ҳам ҳар тарафлама икхоният яратилди. Тарихчи Хондамирнинг "Хулосатул-ахбор", "Шосир-ал-мулк", адабиётшунос Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадаъус-саноеъ" асарлари ва бошқа унлаб турли фанларга сид китоблар Алишер Навоийнинг қўллаб-қувватлаши оқибатида яратилганлиги муаллифларнинг узлари томонидан эътироф этилган. Шунингдек, Хондамир "Хулосатул - ахбор" асарида Навоий ҳомийлиги остида яшаб, исод этган кўпчилик шоир, илм-фан намояндалари ва давлат арбобларининг исм-шарифларига тўхталиб ўтади. Уларнинг улуг Амирга миннатдорчилик азасидан ўз асарларида бағишлаганликларини ёки қасида ёзганликларини таъкидлайди.

Рус классик мероси тадқиқотчиларидан уртак олган ҳолда, улуг бобомизга бағишланган асарларни ва қасидаларни излаб топиш нэвоийшунослигимизнинг галдаги долзарб масалаларидан биридир. Шу йўлдаги киддий изланишларининг нэтижасида топилган маснў қасида Навоий замондоши, шерозлик форс-тошик шоири Ақлий қазалига мансубдир. Аввало, қасида жанрининг маснў тури ҳақида шунини айтиш керакки, маснў (санъатли) қасида ХІУ аср шоири Ҳожа Салмон Совакий томонидан ихтиро этилган бўлиб, ҳар бир баити икки ва ундан ортиқ шэетик санъатлар билан ниҳозланган бўлади. Вақт ўтиши билан бу қасидага татабўу қилиш шоирлик маҳоратини белгилашда ўзинга хос мезон бўлган бўлиши мумкин, чунки кўпчилик шоирлар қаторида Навоий ҳам маснў қасида ёзган. форс-тошик адабиётида маснў қасида ёзган шоирлардан сўнггиларидан бири Ақлий Шерозийдир.

Мавлоно Ақлий ўз даврининг етук шоирларидан ҳисобланган.

Бунга кўпгина тазкиралардаги маълумотлар ва бизгача етиб келган куллийети, ундаги ранг-баранг газаллар қафиллик бера олади. Девонидан ташқари, унинг "Шам ва Парвона", "Сохри ҳалол" номли икки достони ҳам маъжуддир.

Алишер Навоий "Маъолисун-нафоис"да шоир ҳақида тундай ёзади: "Мавлоно Аҳлий - шерозликдур. Ҳамонки, толиби илмиги бор. Назмлардан ҳар синф шеърда маҳоратлиги яшидир, батаҳсис қасида услубида, неча қатла Шероздин рангин қасидалар айтиб ёбориб эрди. Бу яқинда Хожа Салмон Соважий маснуъ қасидасига жавоб айтиб, бир ғариб рубоий даги изофат қилиб ёборибдур"<sup>1</sup>.

Қуриниб турибдики, Аҳлий Навоийнинг хос эҳтиромига сазовор бўлган ижодкорлардан экан.

Фурсат Шерозийнинг "Соори амаи" тазкирасида<sup>2</sup> ҳам шерозлик шоир ва аҳли или ҳақида келтирилган маълумотлар ичида қуйилганлар эътиборга лойиқдир: "... Мавлоно Аҳли Шерозӣ - номаш Мухаммад, мавлудаш Шероз, аз муълаи урафои соҳибӣ жоҳ буда ва дар фунуни шеър, хосса, қасоид камоли маҳоратро дошта, дар муқобили қасидаи маснуъи Хожа Салмон Соважий се қасида дар мадҳи Амир Алишер гуфта ва беҳтар аз он гуфта; ва онҳо дар назди фақир мавжудаст ва маснавий мавсум ба "Сохри ҳалол"ки, дар ҳар шеър се санъат аз санойи бадий ба кор бурдаки, ақл дар он ҳайронаст ва уро низ девоне аст, қариб давоздах ҳазор байт ва рисола дар илми муаммо, рисолае илми аруз ва қофия. Қариб ҳафтод сол умр намула, дар санаи 942 ҳижри вафот ёфта, дар тарафи дасти чапи хожа (Ҳофиз Шерозий - Ш.С.) мадфунаст".

Маъмуни: "... Мавлоно Аҳлий Шерозий, исми Мухаммад бўлиб, Шерозда таваллуд топгандир. У олиӣ мартабаали донишмандлардан бўлиб, шеър фанида, айниқса, маснуъ қасидалар бобида маҳсрат камолотидир. Хожа Салмон Соважий бўлида Амир Алишерни мадҳ айтиб уч қасида айтган ва ундан ҳам яхшироқ айтгандир. Улар (қасидалар - Ш.С.) фақирнинг ёнида мавжуддир. Шунингдек, "Сохри ҳалол" номи маснавийси борким, ҳар шеърда илмий, бадий санъатлардан уч санъат иллатилганки, ақл унга ҳайрон. Унинг 12 минг байтги девони ҳам бор, муаммо, аруз ва қофия илмларига оид рисолалари мавжуд. Қариб 80 йил умр кўриб, 942 ҳижрий

йилида вафот этади. Хожанинг чап тарафиди даъи этилган" (Тўғриликда муаллифники). Шу каби фикрлар "Мажлиси-мукаббир" тавғи-расида ҳам учрайди<sup>3</sup>.

Ўқоридаги тазкиралардан Аҳлий Шерозий моҳир қасиданинг шоир эканлиги англашилади. "Осори аҷам"даги қайдни ҳисобга оладиган бўлсак, у Алишер Навоий мадҳида бир эмас, балки уч қасида ёзган экан. Бунга Навоийнинг "неча қатла (!) Шероздин рангин қасидалар (!) айтиб юбориб эрди" деган фикрини илова қилсак, бу икки фикр бир-бирини тасдиқлагандек тўрлади. Аммо, ҳозирча, биргина мувашшаҳ маснӯъ қасидасидан узга Навоийга бағишланганларини учрата олмадик. Е.Э.Бертельс Навоий монографиясида Аҳлий Шерозий ҳақида суз ыритар экан, унинг уч қасида ёзганлигини, улар Навоий, Султон Яъқуб Оқ-қувончининг биродари Юсуфшоҳ ва Шоҳ Исмоил Саъдийга бағишланганлигини айтиб ўтади<sup>4</sup>.

Қайси фикр тўғрилигига келганда, "Осори аҷам"даги улар (яъни Навоийга бағишланган уч қасида - Ш.С.) фақирнинг (турбат Шерозийнинг - Ш.С.) ёнида мавжуддир", деган фикрига илмий исбот топилгунга қадар бирор хулоса чиқаришга ҳали эртароқ, деган уйга олиб боради.

Балки, Е.Э.Бертельс куриб чиққан маъбада Аҳлийнинг бошқа қасидалари ҳақида суз ыритилмаган бўлиши мумкин, чунки Лутфали Озарнинг "Оташқада" тазкирасида ҳам "Осори аҷам" маълумотларига сҳавгдош сузлар мавжуд: "... Мавлоно Аҳли саромади ғусаҳои замон ва сардафтари ғусаҳои суҳандон ва дар ғунуни шеър дар камоли маҳорат ва қасоиди маснӯъ (қўплик формасида келатганлигига эътибор беринг - Ш.С.) дар луқобили Сайид Зулфиқор Широдий ва Хожа Салмон Соваъий дар мадҳи Амир Алишер Навоий гуфта ва бех аз ҳар ду гуфта..." (Мазмуни: "... Мавлоно Аҳлий замон қасиҳлари саромади, суҳандон қасиҳлар бошчиси ва шеър ғанида маҳорат камолотидир. Сайид Зулфиқор Широдий ва Хожа Салмон Соваъий услубида Амир Алишер Навоийга маснӯъ қасидалар бағишлаган ва уларнинг ҳар икковидан ҳам яхшироқ айтган"). Бизнингча, оу масала Аҳлий Шерозий лирик меросини чуқурроқ ўрганаш қараёнида ҳал этилиши имконназира булган ҳолдир.

Қелимиздаги маснӯъ қасида Амир Алишер номига мувашшаҳ

этилган бўлиб, 150 байтдан иборат. Қасида Ўзбекистон ФА Шарқ-шунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 2206 инвентарь рақамли "Дуллийети Аҳлий Шерозий" девонининг охирига жойлаштирилган бўлиб, чиройли, нафис наставлик хатида кучирилган.

Аҳлий қасидани тугатгач, шахсан ўзи Ҳиротга келиб, Навоийга тақдим этади. Бу ҳақда Амин Аҳмад Розий ўзининг "Ҳафт иқлим" тазқирасида қайд этишни лозим топганлиги диққатга сазовордир: "... Мавлоно Аҳлий бо сафоии зеҳни салим ва зуккотасый мустақим, аз жамиъи шуарои замонаи худ имтиёзи даровон дошт... пас азонки ба Ҳирот таважжуҳ намуд, қасидаи маснуъи Хожа Салмонро маъ зиёдати татаббуъ намуда, ба номи Амир Алишер мувашшаҳ гардонид ва силаи аржуманд ёфт..."<sup>5</sup>.

Мазмуни: "... Мавлоно Аҳлий салим зеҳнининг поклиги, зукко таъблиги билан ўз замонасининг жами шойрлари уртасида анча имтиёзга эга эди. ... Ҳиротга келганидан сўнг, Хожа Салмоннинг маснуъ қасидасига ортиги билан татаббуъ қилиб, Амир Алишер номига мувашшаҳ этди ва муносиб тақдирланди (таржима муаллифничи).

Қасида бир байтдан тўрт байтгача бўлган 69 банддан (ёхуд қитъадан) иборатдир. Ҳар банддан бир маснуъ байт истихроҷ этилади, яъни чиқарилади. Бундай маснуъ байтлар сони еттишга яқин. Қасиданинг эътиборга лойиқ томонларидан бири шуки, аҳлий ҳар банддан Навоийга хос бўлган ғазилатларни ифодалай билган. У Навоийнинг саховатда беназирлигини, очиқ кўнгиллигини Нил дарёсига қиёс қилади.

Ажаб мадор э-дасташ ки қардам монанд,  
Ба баҳри Нил, ки жорӣ бувад аз-ӯ анҳор.  
Латоифи карамаш кони халқ шаҳри дод,  
Қафи инояти у шуд чу баҳре аз исор.

Мазмуни: Ажабланма, агар мен унинг қўлини Нил денгизига қиёсласам, ундан қўлмаб дарёлар оқиб чиқади. Унинг иноятли қафи ҳам садақа тарқатишда денгиз мисол бўлиб, Нилдан дарёлар оқиб чиққанидек, унинг қафидан ҳам иноят оқиб туради.

Навоий салтанатдаги низоларнинг ашаддий муҳолифи бўлган.

Унинг сазй-ҳаракати оқибатида кунини, келиб чиққан муҳитини, бўлган ихтилофлар бартараф этилган. Чуқур муносибатида сарфидан қаршида давлат аъёнлари ночор аҳволга тушгилар. Ақилларнинг бу фазилетига юксак баҳо беради:

Дами муҳодалаи шаҳон шурат аз ғазлест,  
Ки тиги меҳри ту шикаст қалби сад қаҳдор.  
Ба дасти ғазли ту нақди ҳунар суҳанҳо нест,  
Ки ҳаст ганжи ниҳонат, к-ромат аз додар.

Мазмуни: Шоҳлар уруши пайтида сенинг ҳаяжон ва изтиролларинг фозилигингдан даракдирки, сенинг меҳринг тиги қаҳрли ва кишининг қалбини тешади. Сенинг ғазлининг қулида сўзлаш саяъати эмас, балки яширин хазина бордирким, адолатназварлигинг олдида бўйсунадир.

Алишер Навоийнинг одоб аҳлига ҳомийлик қилиши, барча учун илм масканлари эшигини очиб қўйганлиги натижаси ўлароқ, бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳамда бошқа ерлардан ҳам илм шайдалари - талабадан тортиб донишмандгача унинг атрофида жам бўладилар. Узоқ яқиндан тўпланган шoirлар унинг мажлисларини безата бошладилар. Аҳлий бу сифат улуг инсонларга хос эканлигини ва Навоийга муносиблигини тавкидлайди:

Ту хизри раҳравони ба донишу таҳқиқ  
Ту Шиблий, Мунайд аз далоили атвор.  
Шаку яқин набурд, роҳ дар камолотат,  
Ки дар мақоми иноят намуди истиқрор.

Рафиқ гашт туро ғазлу лутфи яздони,  
Нигоҳдори ту бошад ҳаросати агъёр.  
Ба тавь нақушоам камар аз ин хидмат,  
Ба сидқ мадҳи ту қорам бувад на аз агъёр.

Мазмуни: Сен илму донишда йул кўрсатувчи хизрсан (яъни, устозсан). Сен Шиблий ва Мунайд кабидурсан. Камолотингга ҳеч шубҳа йукдур, чунки иноят мақомида маҳкам урнашганлигисан. Сенга худонинг лутфи ва ғазли рафиқ бўлди. У сенинг нигоҳдоринг бўлсин. Шундай инсон бўлганлигинг учун ҳам мен сидқидилдан сени мадҳ этаман.



Маълумки, Алишер Навоий китобат санъатига, ҳуснихатнинг гузал ва нафис бўлишига эътибор берган. Бунга ўз атрафига тўплаб, ишларига ҳомийлик қилган Камолиддин Беҳзод, Қосим Али Чехракушой ва Султон Али Машҳадий, Зайниддин Муҳаммад, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон каби наққош ва хаттотларни мисол қилса бўлади. Навоийнинг ўзи ҳам иншо санъатини мукаммал эгаллаган моҳир хаттот ҳамда rassoy бўлган. Қуйидаги байтлар яна бир қарра шунинг исботидир:

Якин, рубуда килки ту сурати Монист,  
Ки суъад аз ҳасадеш чун хатат кувад изҳор.  
Аз онки килки ту холе хатест мушкин ранг,  
Бисухт сад дили сангину, насх кард губор.

Агар хати ту дида бар сар ман ниҳодам че ажаб  
Замона бар хати ту сар ниҳад ба истеҳзор.  
Ту дидаи равшан азон бар дари ту сояд чарх,  
Ки карда самда зоҳир туро улуввал-абсор.

Яна:

Гар хати ту дида банда нодиран,  
Ба хати ту карда самда зоҳиран.

Мазмуни: Сенинг чизганингни Моний курса, ҳасад қилади, мўй-қаламининг турфа килосидан аз тошрак куйди, насх губорга айланди (араб ёзуви турларидан бири бўлган насх хатининг майда қаламда ингичка қилиб ёзилишига губор дейилади. Тоир бу ерда насх хилолат бўлганидан ўзини панага уриб, кўздан қочмоқчи, демоқчи - Ш.С.). Агар хатинг кўриб, уни бошга кўтарсам не ажаб, замона сенинг хатингга самда қилади-ку. Чарх икки равшан кўзини (яъни кўёш ва ой - Ш.С.) эшигингга-сурса, барча ақлли, мулоҳазали кишилар сенга бўёни эгади. Сенинг хатингни самда кам курса-да, кўрган ониёқ хатингга самда қилади.

Алишер Навоийнинг додруғи ўз замонасидаёқ етти иккимга таъалланган. Қўнғина султонлар у билан алоқа ўрнатилишга хоҳишманд бўлганлар, чунки афсонавий халқпарвар давлат арбоб билан мулоқот қилиш султонларнинг халқ, давлат аъёнлари ўртасида ошқориининг ортиси ҳамда халқаро мавқеини мустаҳкамлашда жуда

катта роль уйнаган. Айниқса, Хуросон халқи беназир Амирдан унинг адолат учун дон қўйдириши, халқларварлиги, давлат осони талиги йўлида қайгуриши туғайли нисбатан тинч-хотиржам ҳаёт кечирганлиги учун беҳад миннатдор эди.

Аҳлий Шерозий улуг Амирни шундай таърифлайди:

Сарвари мулки қарам, ҳокими даҳр,  
Ҳомили қорғаҳи аҳли қамол.  
Ҳукми у доди маҳомад дода,  
Адли у қарда адам гарди малол.  
Марҳами дарди дили мардуми даҳр,  
Муслиҳи ҳоли ҳама дар ҳама ҳол.  
Қарда масдуд дари ҳирсу ҳасад,  
Дода доди ҳаваси аҳли қамол.  
Аввал, у ҳамаро ҳосили умр,  
Дуввум, у адами амри маҳол.

Мазмуни: Қарам мулкининг сарвари, давр ҳокимию, аҳли қамол санъатхонасининг пири қомили. Унинг ҳукми таҳсиновар одилдир. Унинг одиллиги натижасида гам-андуҳларга чек қўйилди.

У замона халқлари дили дардига ҳамдарддир.

У ҳамisha барчага маслаҳаттўғидир.

У қамол аҳли тилагига өз очгандир.

У аввало, ҳаммага ур мазмуни билан ибратли,

Сунг эса барчанинг ҳолатбарорики, қўлидан келмайдиган  
иши йўқ.

Айтиш мумкинки, Аҳлий қисқа ва мухтасар қилиб, Навоийга хос бўлган фазилатлари моҳирона курсата олган. Биз, бу қасида катта ҳақида бўлганлиги учун уни кичик мақола талабларига мувофиқлаштириб, шу бир неча нисоллар билан чегараландик. Умуман олганда, Аҳлий Шерозийнинг насру қасидасини Алишер Навоийнинг кенг қамровли манзум биографик тавсифномаси (характеристикаси) дейиш мумкин. Унинг Хондамир қаламига мансуб "Мақоримул-ахлоқ", "Ҳулосатул-ахбор" ва бошқа асарларида, Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида биз ўқиб, билган маълумотларга таъминла ҳаноҳанг бўлиши, Навоий қалбидинг нақадар мусаффо бўлганлиги, унинг халқларварлиги ва Давлат таянчи бўлганлигига

яна бир марта исботдир.

#### АДАБИЕТЛАР

1. А.Навоий. "Мажолисун-нафоис". Асарлар, XII том. - Тошкент: 1966, 165-бет.

2. Осори аҷам. ЎзДАШМ. Б 5041, 471-бет.

3. Мажолисул-муминин. Нурилмоҳ Шерозий тазкираси. ЎзДАШМ. Б 5107.

4. Е.Э.Бертельс. "Навои и Джами". стр.89.

5. Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим. ЎзДАШМ. Б 617, 83-бет.

#### М. АБДИЕВ

«каш СУФФИКСИ БИЛАН ЯСАЛГАН ШАХС НОМЛАРИ НАСАЛАСИГА ДОИР

Турс-тожикча "кашидан" (тортмоқ) феълидан шаклланган «каш суффикси ҳақида умумий тарздаги анча маъқум таърифлар борлигига эътиборни алоҳида жалб этмоқчимиз. Масалан, Е. Мухторов ўзининг бир ишида «каш суффикси тортувчи, судровчи, ташувчи, жалб этувчи маъноларидаги қўшма сўзларни ясади, дейди<sup>1</sup>. А.Н.Коновнининг уқтиришича муайян касб вакили маъносигаги шахс номини ҳосил қилади<sup>2</sup>. Улуғ Турсунов ва бошқалар иштирокида тузилган дарсликда мана шундай дейлади: "Сўзнинг негизига ифодаланган предмет билан шугулланувчи, уни эргизиш билан банд бўлган шахс оти ясади"<sup>3</sup>. Ниҳоят, "Ҳозирги ўзбек адабий тили" дарслигида<sup>4</sup> ва А.Ҳожиёвнинг "Ўзбек тили сўз ясалиши"<sup>5</sup> номли ўқув қўлланмасидаги фикрларга таянган ҳолда, шунингдек, ўзимизда мавжуд бўлган мисоллар асосида «каш суффикси қўйидаги маъноли шахс отларини ясаш учун хизмат қилади, деган мулоҳазасига келдик:

1. Асбоб-ускуна, қуролларни билдирувчи от туркумига оид сўзларга қўшилиб келиб, шу асбоб қуроллар воситасида муайян ишга баҳарувчи шахс номларини ясаб келади. Масалан, камонкаш - камондан ўқ отувчи киши, жангчи; замбилкаш - замбилда ўқ ташувчи, замбилчи; пармакаш - перна, бунғу билан ер қазувчи уста, ишчи; яловкаш - ялов, яъни байроқ қутариб борувчи киши; чилдирмакаш - чилдирма чалувчи шахс ва бошқалар.

2. Нарса-предметлар номига қўшилиб, шу нарса-предметлар билан иш қилувчи, бажарувчи маъноларини ифодаловчи паҳса номлари ҳосил қилади. Масалан, лойкаш - лой тайёрлаш, лой ташиб йиниш бажарувчи паҳса. (ЎТМЛ, I., 434-бет); паҳсакаш - паҳса девор удувчи, деворван; пилмакаш - пиллани маҳсус йўл билан ишлаб, ундан ипак олувчи, пилла тортувчи киши; сураткаш - I. Сурат чиқарувчи, сурат олувчи; 2. эск. айв. фотограф.

3. Бирор нарсани ҳайдовчи, ергизувчи, олиб юрувчи маъносидаги паҳса номларини ясаб келади. Масалан: аравакаш - I. От арава билан ёк ташувчи, арава минувчи, ҳайдовчи одам (ЎТМЛ, I., 51-б.); жувозкаш - I. Жувоз ҳайдовчи, жувозхонада обжувоз ёки мойжувозда ишловчи киши; 2. Тирикчилиги, даромади асосан мойжувоз устида бўлган паҳса, мойжувоз эгаси. (ЎТМЛ, I., 290-б.); туякаш - ўз туясида киракашлик қилувчи ёки кимсанинг туясини ҳайдовчи киши. (ЎТМЛ, II, 240-б.); ёккаш - I. Ёк ташувчи, ҳам-мол (ЎТМЛ, II, 465-б.) ва бошқалар.

4. Ўзак-неғизда ифодаланган нарсани истемол қилувчи, аниқроғи чақувчи маъноли паҳса номларини ҳосил қилади. Масалан: носкаш - нос чекувчи (ЎТМЛ, II, 511-б.); чилимкаш - I. Чилим чекувчи; 2. Чилим солиб одамларга чектириб ёриб, тирикчилик қилувчи одам; пояки (ЎТМЛ, II, 368-б.).

5. Бирор нарсани ижод қилувчи, яратувчи, ижро этувчи маъносидаги паҳса номларини ифодалайди. Масалан: каламкаш - калам тобратувчи, ёзувчи (шоир, ёзувчи, журналист, таржимон, россима ва шу исбилар ҳақида) (ЎТМЛ, II, 453-б.); термакаш - I. Терма ижод этувчи ва айтувчи халқ шоири; 2. Бошқаларнинг асарларидан терма қилувчи адиб. (ЎТМЛ, II, 165-б.); чизмакаш - I. Чизма, лойиҳа чизувчи инженер, инженер ёки техник; 2. Қаштачиликда матога чизма, нақш, нусха чизиб берувчи уста (ЎТМЛ, II, 366-б.).

6. Гарчи кам миқдорда бўлса ҳам, умумий маъноси "қайғудон, гам-қайғуда бирга бўлган" ташхаларни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан: тобуткаш сўзининг асл маъноси "бирга тобут қутарувчиларнинг ҳар биридиг, лекин у кўчма маънода қулланиб", яхши-ёмон кунларда бир-бирига ҳақдамлашувчи бир ерлик кишиларни ифодалайди: Ўқ, қизим ўйлаб гапиринг. Ман, қари одам, бел кунлигим оорми, йўқми, бошқа шаҳарда мусофир бўлиб яраманми? Ахир менинг тобуткашларим бўлди. Мирмуҳсин. Умид (ЎТМЛ, II, 194-б.);

ҳассакаш - бу атаманинг маъноси ҳам айнан оқоридагидайдир: "азада эшик олдида туриб, келувчиларни кутиб олувчи ва кузатиб қолувчи киши"<sup>5</sup>.

Алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, =каш суффикси оқоридагилардан фарқли улароқ абстракт маъноли отларга ҳам қўшилиб, шахс номларини ясайди. Бунда =каш суффикси "асосан англашилган иш-ҳаракатни баъарин одаги кучли шахсни билдирувчи от ясайди" дейиш билан чекланиш нотўғрироқ бўлади. Чунки мазкур суффикс абстракт сўзларга қўшилганда куйидаги маъноларни реаллаштириб туради.

1. Бирор иш қилиб чарчамайдиган, меҳнат қилишни яхши кўрадиган шахс номларини ясайди. Масалан: меҳнаткаш - (Заргаров:) Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон. А.Ҳеҳҳор. "Оғриқ тишлар". (ЎТИЛ, I, 462-б.); жафокаш - Улма эй қули қанд, жафокаш боғбон. Яшай бер, боғларга чулганган Ватан. Ғ.Ғулوم. (ЎТИЛ, I, 275-б.); жонкаш - Вафот қилди жонкашим, дардкашим. Ойбек. "Қутлуг қон". (ЎТИЛ, I, 288-б.); заҳматкаш - У умрининг ярмидан кўпи азобда ўтган бу заҳматкаш чолга драгида чуқур меҳр ва ачиниш билан уйқуга кетди. С.Анорбоев. "Оқсой". (ЎТИЛ, I, 303-б.) ва бошқалар.

Айни шундай маъноли шахс номлари жумласига ҳазилкаш сўзини ҳам қўшиш мумкин: Бировга ҳазил қилишни яхши кўрадиган, тегазак; ҳазилвон. Ҳазилкаш йигит. Таббор ҳеч узгармаган, студентлик кезларида қандай бўлса - унандай софдил, ҳазилкаш эди. О.Ёкубов. "Учрамув". (ЎТИЛ, II, 373-б.).

2. Салбий хислатларга эга бўлган шахс номларини ифодалайди. Масалан: жанжалкаш, жанжални яхши кўрадиган, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган; жанжалчи, жанжалкаш одам. (ЎТИЛ, I, 273-б.); тарафкаш - бирор томоннинг тарафини олувчи; тарафдор. Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафкашларнинг кўзлари ола-қума, орқлари така-пука бўлиб, нафаслари ичига тушиб кетди. М.Муҳаммадқонов. "Турмуш уричишлари". (ЎТИЛ, II, 124-б.).

Сна тилимизнинг сержиллолагини шундан ҳам билса бўладики, оқорида кўрилганидек, =каш суффикси билан ясалган шахс номлари эгаларининг катор синонимларига ҳам эгадир. Бундай синонимик каторнинг характерли ҳолатлари қуйидагича:

1. Узак негизи бир, лекин ясовчи қўшимчалари ҳар-хил бўлган синонимик шахс номлари. Бунда қуйидаги ясовчи элементлар синонимик вазифани бажаради. а) =каш ва =чи ясовчилари: Замбилкаш - замбилда ўқ таъувчи, замбилчи. (ЎТИЛ, I, 296-б.); Замбилчи - 1. Замбил туқувчи уста. 2. Айв. замбилкаш. (ЎТИЛ, I, 296-б.); киннакаш - айв. кинначи. (ЎТИЛ, I, 386); кинначи - кинна солувчи, кинна солиш билан шуғулланувчи шахс, киннакаш. Тунов қуни бошим оғриб кинначини чақирсам, қайнсам ҳайдаб зборди, - деди Савлатхон уртоғига. Ғайратий. "Савлатхон". (ЎТИЛ, I, 386-б.); меҳнаткаш - 1. Меҳнат қилиб кун кечирувчи. Меҳнаткаш оммаси, меҳнаткаш халқ. (Петров) Бойларнинг манфаатлари бир-бирига зид эканини (Дулчига) тушунтирди. Оббек. "Қутлуг қон". 2. Меҳнат қилиб чарчамайдиган, меҳнатсевар. (Заргаров) Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон. А.Қаҳҳор. "Оғриқ тиллар". (ЎТИЛ, I, 462-б.); меҳнатчи - эск. меҳнаткаш, ишчи, хизматчи. Ҳой ишчилар, эзилган меҳнатчилар... Эркингни қўлдан берма. Ҳамза. (ЎТИЛ, I, 462-б.).

б) =каш ва =дор ясовчилари: тарафкаш - бирор томоннинг тарафини олувчи, тарафдор. Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафкашларнинг қузлари ола-қула, браклари така-пука бўлиб, нафаслари кичига тушиб кетди. М. Муҳаммаджонов. "Турмуш уринишлари" (ЎТИЛ, II, 124-б.); тарафдор<sup>8</sup> - 1. Бир-бирига зид бўлган томонлардан бирига ён босувчи, уни қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи шахс. Қадтак уқталганча тўқмоқ кутар деганлар. Сен ҳам уз тарафдорларингни тайёрлайверсан. П. Турсун. "Ўқитувчи". (ЎТИЛ, II, 128-б.).

в) =каш ва =кор ясовчилари: хизматкаш<sup>9</sup> - айв. хизматкор. (ЎТИЛ, II, 328-б.); хизматкор<sup>10</sup> - революциядан олдинги даврларда бой ёки мансабдорларнинг шихсий хизмати, уй ишини қилувчи киши. (Қодирзон:) Бу хизматкор баттоллар қайси ерда қолди экан? Вақт ҳам анча бўлиб қолди. Ҳамза. (ЎТИЛ, II, 328-б.).

г) =каш ва =параст ясовчилари: хаёлкаш - хаёлпараст<sup>11</sup> - хаёл суришни яхши қўрувчи, хаёл сурувчи, хаёлга берилувчи, хаёлчан. (ЎТИЛ, II, 311-б.).

2. Фақат бир уриндагина =каш суффикси билан ясалган шахс номи тамомилла ошқоқ сўз билан синоним бўлиб келг. нлиги фактига

дуч келдик. Қуйидаги мисолга этибор берайлик: Менинг қишлоғим-да тарафқашлар куп... Бир-бирини қовлайди (П. Турсун. "Ўқитувчи"). Мисолдаги тарафқаш лексемаси "Тараф-батараф бўлиб курашувчи" маъносини англатади, у гуруҳбоз сўзи билан синонимик алоқага киради. Қиёс қилинг: - Абдурасулни қоралаб гапирасан. Гуруҳбоз дейсан, эшитдингми, гапдон? - деди Тожибой. П. Турсун. "Ўқитувчи". (ЎТМД, I, 200-б.).

=қаш сўффикси ҳақдаги фикр-мулоҳазаларимизни яқинлаб, шундан қайд этноқчимизки, "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да унинг иштирокида ясалган 44 та шахс номи қай олган. Ўзбек тилининг чаппа лугатида (Р. Қўнғуров, А. Тихонов. Ўзбек тилининг чаппа лугати, Самарқанд, 1968) эса =қаш билан ясалган шахс номларининг 39 таси қайд этилган. Бунга картотекамизда мавжуд бўлган яна 15 та шахс номини қўшсак, =қаш сўффикси ҳозирги ўзбек тилида маҳсулдор ясовчилардан бири экан, деган хулосага келиш мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мухторов Ш. М. "Словообразование в узбекском языке аффиксами таджикского языка". - Самарқанд: Издания УЗГУ, 1958, с. -39.

2. Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М., Л. 1960, с. 109-110.

3. Турсунов У., Мухторов Ш., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975, 143-бет.

4. Ҳожиёв А. ба бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 178-бет.

5. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989.

6. Тўйда ҳам шу вазифани бажарувчи шахс ҳассақаш сўзи билан ифодаланган.

7. Бошқа номлар устида эқорида тулталиб утдик.

8. Иккинчи маъноси: Бирор гоё ёки ҳаракатни ҳимоя қилувчи, шу гоё, ҳаракат учун курашувчи шахс, ташкилот ва шу қабилар. Тинчлик тарафдорлари. Мен водоканкани электростанция қилиш тарафдориман. А. Қаҳҳор. "Қўшчинон чироқлари". (ЎТМД, II, 124-б.).

9. Илдан қочмайдиган, янни яқши бажарадиган, ишчан, меҳнатқош. Хизматқаш йигит. (ЎТМД, II, 323-б.).

Ю. Халқ ёки жамоат манфаати учун ҳиннат ашураси, ашураси — халқ хизматкори. — Дўлингга кўз тинар, ташар ашураси, ашураси уқиб бул элга хизматкор! М. Алави. (УТИЛ, II, 327-333)

II. Иккинчи маъноси: 2. эск. айн. утокист.

М. ЁЛТАШ

### САРВАР АЗИМОВНИНГ "ЮЛДУЗЛАР КАМОЛИ" ДРАМАСИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНЛАР ХАРАКТЕРИНИ ОЧИШДАГИ РОЛИ ХАҚИДА

Маълумки, барча санъат турларининг, адабий намуналарнинг урگانеш объекти, предмети ҳаётдир. Ҳаёт эса ўз узанида турли мазорда кечади. Ҳаётнинг "тез оқар, энг нишаб мойлари драманинг тасвир предмети"<sup>I</sup> ҳисобланиши билан бир қаторда, драма инсонларнинг ҳаётдаги зиддиятлар билан курашларини, ички кечкимадари — қайгуриш ва хурсандликларини, феъл-атворидаги қатъийлик ёки сунъийлик каби ҳолатларни томошабин (ёки тингловчи, уқувчи) кўз олдига тула гавдалантиришга, томошабинни воқеаларнинг жонли иштирокчисига айлантириш қудратига эга. Саҳна асари яратувчисидан ёзувчи ёки шоирлардан фарқли равишда ўз қаҳрамонининг турли ғазилатлари ёки салбий хислатларини батафсил тасвирлаб беришнинг имкони йўқ. Шунинг учун саҳна асари яратувчиси ўз асари қаҳрамонининг барча феъл-атвори, хатти-ҳаракатини, эришган ютуқлари ва йўл қўйган хато-камчиликларини унинг ўз сўзлари ёки қаҳрамонлар уртасида бўладиган мулоқотлар орқали ёритиб бериши лозим. Бу эса драматургдан ҳар бир сўздан, ҳар бир иборадан, қаҳрамонларнинг ҳаракати ҳамда имо-ишораларидан унумли ва ўрибли фойдалана олиши тақозо этади. Драматургнинг тил бойликларидан фойдалана олишдаги маҳорати асарнинг бадий қимматини оширишга қолмасдан, асарнинг саҳнада яташ умрини ҳам узайтирадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Драматург Сарвар Азимов "Юлдузлар камоли" драмасининг тили — қаҳрамонлари буткининг равон, тазсирчан, бўёқдор ва ҳайма учун тунунарни бўлиши учун ўзбек тили хазинасидан — лексик ва фразеологик бойлигидан жуда ўрибли фойдалана олади. Муаллиф асар давомида воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотини чуқур очиб беркиш учун ҳар бир сўзнинг, ҳар бир фразеологизмининг нозик кир-



баларини томошабин-тингловчи илғаб ола одишга эришишдек маъсулияят ётишини чуқур ҳис этган ҳолда ёндашади.

"Оддузлар жамоли" драмасида қишлоқ хужалигида - пахта дала-ларида заҳарли моддаларни қўлладан воз кечиб муаммоларини ҳал этиш учун марказга учиб боришайтган раҳбарлар самалётининг ҳало-катага учраган жойи тасвири билан бошланади. Область партия комитетининг котиби Улуғ Турсуновнинг куйинчи айтган куйидаги гапларида қўлланган фразеологизмлар кишини унга беихтиёр ишо-нишга ундайди:

Турсунов. ... Ҳолу қудратим етмагани учун якка қайтишга маж-бур бўлдим! Қўлимдан келмагани учун!.. Ҳолдан толдим... Чумолидай заифман, қўлимдан бирон ёмуш келмайди!<sup>2</sup>

Бироқ шу орада ҳалокатга учраганларни тез ёрдам машинасида қидириб келган Баҳмал билан Тумагул етиб келгач, воқеаларнинг ривожи кутилмаган томонга узгаради. Маълум бўлишича, самолёт ҳалокатга учрагач, учувчи Қорасоч уни саҳрога ноилоҳ кундиради. Қўниш пайтида Қорасоч билан Бобо Равшан жароҳатланишади. Улуғ Турсунов билан Полвон Султонов саҳрода қудуқ излаб кетишади, аммо Турсунов қайсар ҳамроҳини қудуқда қолдириб, бир ўзи суппайиб қайтиб келади. Тасодифан қудуқ бошидан чиқиб қолишган санитар машинасидагилар Султоновни қудуқдан чиқариб оладилар ва барча воқеалардан хабардор бўладилар. Мана шу кичик воқеанинг ўзидан Турсуновнинг яхши одам эмаслиги маълум бўлиб қолади. Драмадаги воқеалар ўтмишда бўлиб ўтган иккинчи бир воқеани эслаш, ўтмишга мурожаат этиш йўли билан давом эттирилади. Драманинг яна бир қимматли томони шундаки, Ўзбекистон дала-ларида йигирманчи асрнинг охириги ўн йилликларига келиб дах-шати қабоҳатга айланган пахта яккаҳокимлигига, унга еру қукдан кимёвий дори-лар билан ишлов беришга қарши курашнинг 60-70-йилларданок бошланганлигидан далолат беради. Аммо бу қабо-хатга қарши курашган Бобо Равшан, Полвон Султонов, Баҳмал сингари кишиларнинг "қўли калта"лик қилар эди. Ўз халқининг саломатлигини йўқотиш эвазига "қўлиниг" "ёрғилсин" рапортлар ёзиб, орден-медаллар билан кўк-

сини безаган, янги даврда халқ устидан янгичи ҳуқуқдорлик қилишни ўрганган "қўли баланд" туҳмунчилар:

Самолётлар воситасида ишловни тухташнинг қатъий ман қилиш.

Бўйин товласангиз, бутун масъулият, жапобгарлик елкангизга тушади. Ҳстимаси токи партоилетгача бориб етса, ажаб эмас, вассалом! (179) - деб, ҳар қандай йул билан бўлмасин, уз сўзларини, туғрироғи, уз ҳуқуқларини утказмоқчи бўлар эдилар.


Турсунов нутқида қўлланган фразеологизмлар унинг димоғдорлигини, узига бино қўйганлигини, ноҳақ бўлишига қарамай, ақоридида қўллаб-қувватловчилари борлиғи туғайли уз сўздан қайтмасликка тиришини кўрсатади. У муҳолиғи Султоновга самолётда марказга кетаётиб: Қилмишингизга пушаймон бўлмасангиз,

отимни бошқа қўлман (181), - дейди ва марказда ҳам Султоновга ўхшаганларни қабул қилиб, уларнинг дарду ҳасратларини тинглайвермасликларини айтади.

Обком котиби даражасигача етган Турсуновнинг бундай тубан ҳолга тушишини кекса авлод вакили, ўтмишнинг барча аччиқ-чучуқларини тотиб қўрган Бобо Равшан уз ақлига сиздира олмайди. Чунки йигирманчи йилларда босмачиларга қарши курашда ярадор бўлган Бобо Равшани (уша жангу-жадал ҳам самолёт ҳалоқатга учраган мана шу саҳрода рўй беради ва бу ҳол асарда маълум рақсий маъно ҳам касб этган) ташлаб кетилган кунгли бўлмаган Турсуновнинг каниг пайтида, уларнинг ҳаёт мамоти ҳал бўлаётган бир пайтда айтган гаплари унинг қулоқлари остида ҳозиргина айтилгандек қаранглаб туради:

Турсунов. ...Мен кудаям яшашни истайман! Аммо уртоқ қомандир, шундай яшашни истайманки, **д з и м ш у в у т б ў л м а с и н**, умримни ипга тизганимда **д з и м қ и з а р м а с и н**. (187)

Ҳалоқатга учраган йуловчилар устига уттизинчи йилларда Турсунов ёрдам қилини чўзган Чули ака ҳам келиб қолади. Унинг ҳикоясига қараганда, бугунги кунда план, пахта, сохта обру орқасидан чопаетган Турсунов уша даврда (уттизинчи йилларда) план деб деҳқонларнинг бир парча номини ҳам тортиб олган, эшигида-



мизга аён. Баъзилар унинг тенги йўқ талабларидан илҳомланишган бўлишса, баъзи бировлар у замоннинг таги паст томонларига бўйсунмишган. Бу, Турсунов, шахсга сизиниш даврининг энг ифлос, таги паст талабларига осонликча бўй берган кимсалардир. (200)

Сарвар Азимов драманинг ҳар бир қаҳрамони нутқини ишонарли чиқариш учун уларнинг касби, ёши ва ҳаётини тажрибасига мос тушадиган ибораларни танлайди. Шунинг учун ҳам купни кўрган отахон Бобо Раъшан уз суҳбатдошига бирор нарсани ҳикоя қилиб берад экан: Мен айтмай, сиз мағзини чақинг .... - деб қўяди. Мана шу биргина ибора орқали унинг нутқида кехсаларга хос вазминлик, оқиллик сезилиб туради.

Драматург Турсунов ҳақида унинг салбий хислатларига мос "қундоқда теккан" иборасини танласа, уз йули ва мақсадида собит бўлган оқ кўнгил Султоновнинг уз нутқида илбий маъно қиррасига эга бўлган "сут билан кирган" фразеологизмини ишлатади.

Султонов. Яхшиликкаям, ёмонликкаям бефарқ, лоқайд бўлишни одат қилмадим. Коммунист деген оқсак номни оқлаш йулида баҳолу қудрат курашув меним шууримга сут билан кирган. (215)

Драматург Сарвар Азимов "Ёлдузлар жамоли" драмасида асар қаҳрамонларининг феъл-атворига мос, уларнинг саъй-ҳаракатларига хос ибораларни танлайди, улардан уривли фойдаланади, қаҳрамонлари нутқининг таъсирчан, ишонарли ва эҳтирослилигини тўла таъминлайди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзват Султон. Адабиёт назарияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 260-бет.

2. Сарвар Азимов. Замон Драмаси. Сайланма. I том. - Тошкент: Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Ёлдузлар жамоли, 170-бет. Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинганлиги тўғайли мисоллар охирида саҳифалари кўрсатилди.

ЭПИСТОЛЯР ЖАНР ВА ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБ

Кейинги йилларда рус тилшунослигида ҳам, туркология ва ўзбек тилшунослигида ҳам функционал стилларни тадқиқ этиш бўйича олиб борилган изланишларнинг қўпчилигида функционал стиллар сони 5 та деб деб қўрсатилмоқда. Булар қуйидагилар: 1. Сузлашув стили. 2. Илмий стиль. 3. Расмий иш-қоғозлари стили. 4. Публицистик стиль. 5. Ҳадий стиль.

Лекин қўпчилик ишларда стилларни классификация қилиш бўйича турли хил чалкашлиklar мавжудки, бу функционал стилларни янада чуқурроқ урганишни талаб қилади. Хусусан, олимларнинг бизнинг урганиш объектимиз бўлган эпистоляр жанрига муносабати олиб қўрайлик. Баъзи олимлар (М. Н. Кокина, А. И. Чижик-Полейко, О. Александров) эпистоляр жанрни маиший стиль системасига, бошқа бирлари публицистик стилга (С. М. Гуревич), учинчи бир группа олимлар эса расмий иш қоғозлари стилига (Т. П. Зорина, Т. Гаджиев, Р. Қ. Қўнғуров, С. А. Каримов, Т. И. Қурбонов) киритадилар ва стилларнинг урганиш объекти деб ҳисоблайдилар. Бу хилма-хил қарашлар олимларнинг функционал стилларни классификация қилишда турли позицияларда туриб фикр билдиришлари натижасида вазога келади. Шунинг учун ҳам эпистоляр жанри ўзбек тили материаллари асосида чуқур урганиш, унинг мустақил стиль сифатида мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ҳамда бу жанрнинг урганиш объектини белгилаш ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Интизор Собир қизи Солехованинг "Ҳозирги озарбайжон адабий тилининг эпистоляр стили" номли кандидатлик диссертациясини<sup>1</sup> (5) ҳисобга олмаганда туркологияда эпистоляр жанр ва унинг функционал стиллар системасида тутган ўрнини аниқлаш вазасидан бирик ин қилинган эмас.

1. Қавс ичида қўрсатилагн биринчи сон асарнинг мақола охирида берилган фойдаланилган адабиётлар руйхатидаги номерини, қўштирноқ ичидаги сон эса ўша асарнинг бетини билдиради.

И. С. Солеҳованинг курсатишича Совет тилшунослиғида эпистоляр жанрнинг стиль сифатида мавжудлиги масаласини ҳақ этишда олимлар иккита катта группага бўлинадилар:

1. А. Н. Гвоздев, И. Р. Гальперин, Э. Г. Ризель, Э. Матезиус, Б. Гавренек, М. Н. Кожина, А. И. Чилик-Полейко, Е. И. Прохоров, Т. П. Зорина, А. Деҳирчизода ва бошқалар эпистоляр жанрнинг мустақил стиль сифатида мавжудлигини рад қиладилар.

2. Г. О. Винокур, Л. В. Щерба, Р. М. Мейер, А. И. Ефимов, Д. А. Лессис, Ш. Балли, Е. М. Галкина-Федорук, А. Н. Кеңба каби олимлар эса эпистоляр стиль мавжуд деб ҳисоблайдилар. Ўзбек тилшунос олимларидан У. Т. Турсунов ва Б. Ўринбоевлар ҳам эпистоляр стиль мавжуд деб ҳисоблайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эпистоляр жанрнинг урганиш объекти масаласида уни мустақил функционал стиль сифатида тан олувчи олимлар орасида ҳам турли қарашлар мавжуд. Баъзи олимлар функционал стилларни классификация қилиш марағида эпистоляр жанрни ҳам функционал стиллар системасига киритадилар-у, лекин эпистоляр жанр қайси хусусиятлари билан мустақил стиль сифатида мавжудлиги ҳақида маълумот бермайдилар. Эпистоляр жанрни мустақил стиль сифатида тан олмаган олимлар ҳам қандай фактлар<sup>39</sup> асосланиб фикр билдираётганликлари ҳақида тухталмайдилар. Масалан, Москва Давлат университети томонидан нашр қилинган "Практическая стилистика русского языка. Функциональные стили" (4) уқув қўлланмасида ҳам эпистоляр жанр мустақил стиль сифатида функционал стиллар қаторида санаб ўтилди ва биргина хатнинг ўзини мисол тариқасида келтириш билан авторлар ўз фикрларига яқун ясайдилар. Мисол келтирилган хат қандай ва қайси белгиларига қўра у "эпистоляр стиль" рамкасига киради? Бу ҳақда ҳеч қандай маълумот берилмайди. "Эпистоляр стиль" тарафдорлари булган Л. В. Щерба (7 "21-22"), А. И. Ефимов (2 "54"), У. Турсунов, Б. Ўринбоевлар (6 "167-168") эпистоляр стиль доирасига турли хил ёзишмалар, кундалиқлар, хатларни, Е. М. Галкина-Федорук кундалиқлар, хроника, маиший ва бадий хатларни (1 "13"), Л. Н. Кеңба (3 "95") расмий хатларни ҳам, А. И. Ефимов ва Л. В. Щерба меъуарларни ҳам эпистоляр стиль рамкасига киритадилар.

Қўрибдики, ёқориди номлари тилга олинган олимлар турли

характердаги ёзишмаларни, кундаликларни, маъшый ва расмий хатларни, хроника ва ёмуарларни, мушоахазналарни эпистоляр стилда ёзилган асарлар деб қарайдилар. Аммо бу қарашларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги алоҳида кенгроқ тадқиқотни тақово қилади. Биз бу ишимизда эпистоляр жанр ва унинг функциснал стилларга муносабатини урганиш ёзасидан олиб борган кузатишларимиз натижасида ёзга келган ҳулосаларимизни баён қиламиз.

"Эпистоляр стиль" ёки "эпистоляр жанр" ҳақида мулоҳаза ёритган олимларимизнинг ҳеч бири хат, мактубларнинг ана шу стиль ёки жанрда ёзилганлигига эътироз билдирмаганлар.

Маълумки, адресати, мавзуси, ёзилиш мақсади турлича бўлган мактубларнинг баъзилари (оила аъзолари, танил-билишларига ёзилган хатлар) сузлашув стили билан, бошқа бирлари расмий иш қозлари стили билан (турли хил ташкилотлар уртасидаги расмий ёзишмалар) боғлиқ бўлса, айримлари публицистик стиль билан (редакцияга ёзилган хатлар, очиқ хатлар) чаббарас боғлиқ. Бу ҳақда фикр ёритганда шунинг эсдан чиқармаслик керакки, мактуб ёзмақчи бўлган киши ўз истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда эпистоляр жанрнинг асрлар давомида силлиқланган, пухталанган анъанавий нормаларига риоя қилишга мажбур бўлади. Бу асосан хатларнинг монологик характерга эга эканлиги, конкрет шахс ёки ташкилотга йўлланиши, хат авторининг адресатга муносабатини акс эттирувчи суз ва куқлалар билан бошланиши, хатнинг асосий қисмида авторнинг ўз фикрини таъсирчан йўдалаш мақсадида тил воситаларидан (лексик, грамматик, фразеологик, тасвирий йўдалаш воситалари) йўдаланиши, хотима қисмида эса автор кайфиятини ва муносабатини умумлаштирувчи сузлар билан тугатишида куринади. Ҳамма мактублар учун хос бўлган ана шу хусусиятлар хатларни функциснал стилларнинг турли курунишлари деб эмас, балки алоҳида, мустақил бир жанр деб аташга имкон беради. Биз оқоридаги фикрларга асосланган ҳолда ўзбек тилида ёзилган мактубларни 4 турга: хусусий, хусусий-расмий, расмий, публицистик мактубларга бўлиб урганиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бу мактублар узларининг у ёки бу хусусиятлари билан функциснал стилларга яқинлашади ва айрим хусусиятлари виҳатидан улардан фарқ-

ланади. Матбуотларнинг баъзи турларининг функционал стилларга муносабатини кўриб чиқайлик.

Иш қорозларига алоқадор хатлар қисқалиги, фикрнинг аниқ, лунда ифодаланиши, қатъийлик оҳангига эгалиги, трафарет жумлаларнинг ишлатилиши билан расмий иш қорозлари стилига яқинлашади. Расмий иш қорозларига алоқадор бўлган расмий хатлар хусусий хатлардан фарқли улароқ, бридик кучга эга бўлиб ҳисобланади. Расмий хатларда автор адресатга ўз фикрларини баён этишда қатъий одат тусига кириб қолган нутқий штамплардан фойдаланади. Расмий хатларда суз танлашда ва ишлатишда жонли сузлашув нутқига ҳос эмоционал-экспрессив бўёқдорлик сузлар ишлатилмайди ва сузлашув стилига ҳос эркинлик сезилмайди.

Публицистик хатлар деганда, асосан, матбуот орқали ёритилган очиқ хатлар тушунилади. Очиқ хатлар хусусий хатлар каби узок тарихга эга бўлмай, балки фан-техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ёзага келган кейинги даврлар маҳсули бўлиб ҳисобланади. Очиқ хатлар матбуотда эълон қилиниши, социал масалаларни кўтариб чиқиши ва кенг халқ оmmasининг эътиборини шу масалага жалб этиши, публицистик рўҳда ёзилиши жиҳатидан публицистик услубга яқинлашади ва эпистоляр жанрнинг босқич турларидан фарқланиб туради. Лекин унда жонли сузлашув нутқига ҳос элементлар, аччиқ киноя, кулги, пичинг характеридаги гапларнинг ишлатилиши, гапларнинг грамматик қурилишидаги эркинлик уни сузлашув стили билан ҳам яқин алоқада эканлигини курсатади. Очиқ хатлар панд-насиҳат, мурожаат тарзида ҳам ёзилиши мумкин.

Эпистоляр жанрнинг босқич турларига қараганда келиб чиқиши қадимги даврларга бориб тақаладиган хусусий хатлар устида кенгроқ фикр бритақ қўйидагилар маълум бўлади:

1. Хусусий хатларда узаро ёзма алоқа қилиш жараёнида фақат икки киши — автор ва адресат иштирок этади. Сузлашув стилида бу нарса чегараланган эмас. Сузлашиш жараёнида бир неча киши иштирок этиши мумкин.

2. Хусусий хатларни икки турга ажратиш мумкин: а) оддий хусусий хатлар; б) маънавий-интим характеридаги хусусий хатлар. Турки мавзудаги оддий хусусий хатларда хат мазмуни оддий,

қуруқ жумлаларда ифодаланса, маиший-интим характеридаги хатлар эса авторнинг ички дунёси, муҳаббати кечинмаларидан иборат.

3. Хусусий хатларда фикрлар сузлашув жараёнидан фарқ қилиб, системали тарзда, уйланган ҳолда ифодаланади.

4. Хат муаллифи уз фикрларини эҳтирослироқ, таъсирчан ифодалаш мақсадида эмсионал бўёқли сузлардан, эпистоляр жанрининг асосий компонентларидан бири ҳисобланган шеърлардан фойдаланиши, қалб кечинмаларини шеърӣ йул билан ифодалашни ёки парчалар келтириши мумкин. Ана шу жиҳатдан хусусий хатлар икки географик нуқтада жойлашган кишилар орасида алоқа ёки хабар вазифасинигина эмас, балки таъсир этиш вазифасини ҳам бажаради.

5. Ўзгача сузлашув нутқида фикр алмашиш жараёни икки ёки ундан ортиқ киши иштирокида (диалогик тарзда) содир бўлса, хусусий хатлар ўзининг монологик характерга эга эканлиги билан ажралиб туради. Хат ёзишда бир киши иштирок этиб, хатни унинг монологи деб тушувиш мумкин. Бундай ҳол кўпроқ маиший-интим характеридаги мактубларда учрайди.

6. Жонли сузлашув нутқида сузловчи киши ўзи мурожаат қилаётган кишининг амалига қараб (мас., Гийёсиддин Амирович! ёки Раъно Тураевна!), таниш-билишлигига қараб (дустим, дугонадон), оилавий яқинлигига қараб (ота, она, дада, ойи, ука, синглим, тоға, аямо, хола, онаси) деб мурожаат қилса, хат ёзишда эса "Ҳурматли Гийёсиддин Амирович!, Азиз Раъно Тураевна!", "Ҳурматли дустим..., Қадрли дугонам...", "Қузимнинг нури, жияним Рузимухаммаджон!", "Жондан азиз Муҳаррамхон", "Қадрли укам Гулом", "Жондан азиз синглим Қумри" тарзида ишлатилиши мумкин.

7. Жонли сузлашув нутқида сузловчи тингловчига уз фикрини тушунтиришда, муносабатини билдиришда ёрдамчи воситалардан ҳам (қул, бош ҳаракати, имо-ишоралар, интонация ва ҳоказолар) фойдаланса, хат ёзиш жараёнида эса бундай имкониятлар йўқ. Энди авторнинг адресатга таъсир этиши суз танлай билиши ва ишлатилишига, тил воситаларидан, тасвирий воситаларидан моҳирлик билан фойдаланишига боғлиқ бўлиб қолади.

8. Хусусий хатлар ўзининг ҳужжатиёлиги билан ҳам жонли сузлашув нутқидан фарқланади. Икки ёки ундан ортиқ киши орасидаги



суҳбат вақт ўтиши билан унутилиши мумкин. Лекин хатлар узоқ муддат сақланиши ва ҳар ўқилганда яна ўзининг таъсир этиш вазифасини бажариши мумкин.

Сузлашув стилининг лексик, фразеологик, грамматик хусусиятлари хусусий хатларда ўз ифодасини топади. Худлас, жонли сузлашувга хос баъзи хусусиятлар хусусий мактубларда ҳам мавжуд бўлиб, хусусий хатларнинг сузлашув стили билан яқин алоқада эканлигини кўрсатади. Лекин хусусий хатлар ўзининг ҳужжатийлиги, мопологик характерга эгаллиги, тасвирий воситалардан, шеърлардан фойдаланиши билан ҳамда жонли сузлашувга хос ёрдамчи воситалардан холи эканлиги билан сузлашув стилидан ажралиб туради.

Ўқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, функционал стилларни классификация қилишда ҳозиргача турли хил чалкашликлар мавжуд. Бу эса бизнинг эпистоляр жанрни урганиш бўйича кузатишлар олиб боришимизни қийинлаштириши табиий. Эпистоляр жанр мустақил жанр сифатида мавжуд бўлиб, функционал стиллар билан яқин алоқада ва шу билан бирга ўзига хос хусусиятлари билан улардан фарқланиб туради. Шундай экан, бу жанр вазасидан лингвистик тадқиқотлар олиб бориш тилшунослигимизнинг навбатдаги вазифаларидан биридир.

#### АДАБИЕТЛАР

1. Галкина-Федорук Е. М. Современный литературный русский язык. Лексика. - Москва: 1954, с. 204.
2. Ёфимов А. И. Стилистика русского языка. - Москва: 1969, с. 262.
3. Кеџба Л. Н. Место эпистолярного стиля в системе функциональных стилей. Известия АН Азерб. ССР (серия литературы, языка и искусства), 1971, № 3-4, с. 94-99.
4. Практическая стилистика русского языка. Функциональные стили. ИГУ. - Москва: 1977.
5. Салехова Интизор Сўбир кизи. Эпистолярный стиль современно-го азербайджанского литературного языка. Автореф. дис. канд. филол. наук. - Баку: 1983.
6. Турсунов У. Т., Уринбоев Б. Ҷ. Узбек адабий тили тарихи. - Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 167-168-б.
7. Щегова Л. В. Современный русский язык. В журн. "Русский язык в школе". - Москва: 1989, № 4, с. 19-26.

А. САМАТОВ

## ЎЗБЕК-ТОЖИК АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ УТМИШНИ ТАСВИРЛАШДА АДАБИЙ ТАЪСИРНИНГ РОЛИ

Бугунги кунда мамлакатимиз халқлари адабиётлари шунчалик ўзаро яқинлашиб қолдиларки, улар бир-бирларининг ۋтуқларига шерик, бири иккинчисининг ижодий камчиликларини тузатади. Шунинг учун ҳам миллий адабиётларнинг таърибасини, улар ўртасидаги адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масаласини ҳисобга олмай туриб, умумсовет адабиёти эришган ۋтуқлар сирини англаш қийин. Шу нуқтаи назардан ўзбек-тожик адабиётига назар ташласак, уларнинг бир-бирига устоз-шогирдлик анъанасини янада камол топаётганига гувох бўламиз.

